



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 29 январь, № 20 (8915)

Чоршанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИЖТИМОЙ ЁРДАМЛАР МАНЗИЛЛИЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 январь куни ижтимоий ёрдамларнинг манзиллилигини ошириш, ногиронлиги бўлганларни парваришлашнинг янги тизимига оид тақдимот билан танишди.

Бу ҳақда 13 декабрда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида топшириқ берилган эди. Шунга мувофиқ жаҳон тажрибаси ва ҳаёт талабини инобатга олган ҳолда қатор тақдирлар ишлаб чиқилди.

Жумладан, «аёллар дафтари» ва «ёшлар дафтари» орқали ижтимоий ёрдамлар «Камбағал оилалар реестри»-га кирган оилаларга кўрсатилиши белгиланмоқда. Бунда маблағларни туман ва шаҳарлардаги аҳоли, ногиронлиги бор шахслар ва камбағал оилалар сонига мутаносиб равишда тақсимлаш тартиби жорий этилмоқда.

Оиланинг камбағал деб эътироф этилиши унинг аъзоларидан кўшимча ариза ва ҳужжатларни талаб этмаган ҳолда ижтимоий ёрдамлар кўрсатилишига асос бўлади.

Шу билан бирга, самарасиз ва талаб юқори бўлмаган ижтимоий ёрдамлар мақбуллаштирилиб, 28 турдаги ижтимоий ёрдамнинг ягона рўйхати тасдиқланади. Ижтимоий дафтлар ҳисобидан ажратиладиган даволаниш ва жароҳат амалиёти харажатларини Давлат тиббий сугурта жамғармаси орқали молиялаштириш тартиби жорий этилади.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида яқин шахс бўлмаган «Инфратузилма ва ижтимоий барқарорлик» жамғармалари ташкил этилади. Унинг

маблағлари ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-амалий ва инфратузилмавий муаммоларини бартараф этиш, соғлом турмуш тарзини кенг таъбиқ қилиш ва спортни ривожлантириш, экология ва атроф-муҳитни асраш тадбирларига сарфланади.

Давлатимиз раҳбари ногиронлиги бўлган болаларга алоҳида меҳр-эътибор кўрсатиш хайрли эканини айтган эди. Шу боис 3 — 18 ёшдаги ногиронлиги бўлган болалар учун давлат-хусусий шериклик асосида кундузги парвариш хизматини йўлга қўйиш тақдирини белгилади. Унга болалар ота-оналари билан тузилган ижтимоий шартнома ҳамда Психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосаси асосида қабул қилинади.

Жорий йил якунига қадар бу хизматлар билан 2 мингга яқин оғир ногиронлиги бўлган болаларни қамраб олиш режалаштирилмоқда. Бу улارнинг оналари учун ишлаш ва таълим олиш каби имкониятлар яратиш, оила фаровонлигига хизмат қилади.

«Болалар саломатлиги» ахборот тизими ишга туширилиб, ҳар бир фарзанда қўйилган таъхис таҳлил қилиб борилади. Уларга тиббий, реабилитация, таълим, ижтимоий хизматлар комплекс равишда кўрсатилади.

Бундай муассасаларга ҳар бир бола учун субсидия ва харидларга имтиёзлик кредитлар ажратилади. Ота-оналарнинг кундузги парвариш хизматидан фойдалангани учун ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловларидан солиқ олинмайд.

Тақдимотда оилаларни камбағалликдан чиқаришга қўмақлаштириш тадбирлари ҳақида ҳам ахборот берилди. Бу жараён «етти имконият ва масъулият» тамойили асосида ташкил қилинган. Оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, даромади ва мулкни баҳолайдиган «Камбағал оилалар реестри» ахборот тизими ишга туширилган.

Шу асосда 48 минг фуқаро ишга жойлаштирилди, 10 мингдан зиёда касбга ўқитилди, 14 минг нафарига кредит ва субсидиялар ажратилди. 140 минг оилага шифокорлар бириктирилди, 38 минг фуқарога ижтимоий хизматлар кўрсатилди. 32 минг оила боғчага жойлаштирилиб, қарийб 7 минг ёш кириш имтихонига тайёрланиш учун университетларга бириктирилди.

Давлатимиз раҳбари тақдирларни маъқуллаб, камбағаллик реестрини оилаларнинг меҳнатга лаёқатига қараб табақалаштириш, меҳнатга лаёқатли бўлмаганларни давлат ижтимоий химосига олиш, улارни ижтимоийлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ СОҲАСИНИ 2025 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев электр энергетикасини 2025 — 2035 йилларда ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди.

Охириги саккиз йилда электр ишлаб чиқариш 38 фоиз ошиб, 81,5 миллиард киловатт-соатга етди. Хусусий секторга кенг йўл очилгани туфайли 11,2 гигаваттлик кўшимча қувват яратилди. Натижада бу секторнинг генерациядаги улуши 24 фоиз, «яшил» энергия ҳиссаси эса 16 фоизга етди.

Шу даврда аҳоли даромади 1,6 баравар ўсгани, янги турдаги маиший техникалардан фойдаланилаётгани сабабли хонадонларда электр истеъмоли 21 миллиард киловатт-соатдан ошди. Бу 2016 йилгидан 2 баравар кўп.

2030 йилга бориб мамлакатимиз аҳолиси 41 миллионга етиши, иқтисодиётимиз эса 1,5 карра ўсиши кутилляпти. Шунга мутаносиб равишда, саноатда 45 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратиш, хизматлар ҳажмини 3 баравар ошириш, йилрик Маълумотлар марказларини ишга тушириш кўзда тутилган.

Бунинг учун, аввало, барқарор электр таъминоти зарур. Ҳисоб-китобга кўра 2030 йилда 117 миллиард киловатт-соат, 2035 йилда эса 135 миллиард киловатт-соат электр энергияси талаб этилади. Яъни ҳозиргидан 1,7 баравар кўп.

Йиғилишда энергетика вазирини шу мақсадга қаратилган узоқ муддатли дастурини тақдимот қилди.

Қайд этилганидек, янги электр станциялари ва энергия сақлаш қувватлари барпо этилади. Уларни тизимга улаш учун 7 минг километр магистраль тармоқ қурилиб, рақамлаштирилган бошқарув жорий қилинади. Бу орқали ҳудудларда энергия баланси таъминланади. Бир вилоятда электр этишмовчилиги бўлса, бошқа жойда кўшимча қувватлар ишга туширилади. Бу ишлар учун келгуси беш йилда «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари»га 4 миллиард долларлик инвестиция киритиш талаб этилади.

Яна бир муҳим масала — электр энергиясининг таннархини пасайтириш. Бунинг омилли муқобил манбаларни кўпайтиришдир. Хорижий экспортлар ҳам Ўзбекистон шароитида «яшил» энергия имкониятлари кўпчилигини айлантиради.

Шундан келиб чиқиб 2030 йилга бориб жами генерацияда «яшил» энергия улушини 50 фоиздан ошириш кўзда тутилган. Жумладан, 3 мингта микроГЭСда 164 мегаватт, қуёш ва шамол қурилмалари ҳисобига 750 мегаватт қувватларини ишга тушириш режалаштирилган.

Куни кеча давлатимиз раҳбари ресурстежамкор иқтисодиёт моделига ўтиш вақти келганини таъкидлади. Хусусан, саноатда энергия сама-

радорлик орқали кўшимча 27 фоиз янги ички маҳсулот яратиш имконияти бор. Ҳозир кимё ва металлургия бўйича айрим маҳаллий корхоналарда энергия сарфи дунёдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан 2 карра, цемент ишлаб чиқаришда эса 1,2 баравар юқори.

Шу боис ҳар бир тармоқ кесимида энергияни 10 — 15 фоиз иқтисод қилиш, 2030 йилда электр энергияси йўқотишларини ҳозирги 14 фоиздан 8-9 фоизгача тушириш вазифа қилиб олинмоқда.

Хорижий инвесторлар билан яна 26 миллиард долларлик 24 гига-ваттлик лойиҳалар бўйича ишлар бошланган. Уларга кўп миқдорда ускуна ва қурилиш материаллари ишлатилади. Бу юртимиз корхоналари учун катта имконият экани, лойиҳаларда маҳаллийлаштириш ва кооперацияни ривожлантириш зарурлиги таъкидланади.

Истеъмолчиларга барқарор ва узлуқсиз электр етказиб бериш, соҳада кадрлар тайёрлашни ривожлантириш бўйича вазифалар белгиланди.

Мутасаддиларга буларнинг ҳаммасини инобатга олиб, электр энергетикаси соҳасини 2035 йилгача ривожлантириш дастурини тайёрлаш топширилди.

Ў.А.

САМАРАЛИ МЕҲНАТ ВА УЛКАН ХИЗМАТЛАР ЭЪТИРОФИ

Давлат органларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш, жамиятда қонунийликни таъминлаш, адолатни қарор топтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси раиси Убайдулла Мингбоев Президентимизнинг тегишли Фармони билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан мукофотланди.

Тадбир

Шу муносабат билан Тошкент давлат юридик университетиде маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Президент маслаҳатчиси Ғофуржон Мирзаев давлатимиз раҳбарининг табриги ва Фармонини ўқиб эшиттирди.

Олий Мажлис Сенатида

МАМЛАКАТ РАВНАҚИДА РАҲБАР АЁЛЛАР РОЛИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева раҳбар аёллар учун ташкил қилинган ўқув-семинар доирасида республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда олий таълим муассасаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритаётган хотин-қизлар билан учрашди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижини юксалтиришдаги ташаббуслар, аёлларнинг сиёсий жараёнлар ва қонунчилик фаолиятидаги иштироки, гендер

тенгликни таъминлаш, давлат бошқаруви ва жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ролинини ошириш бўйича амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтди.

«БУ ВАТАНДА БИР ВАТАН ҚУРМОҚНИ ИСТАЙДИР КЎНГИЛ...»

Ватан бунёд этилади. Ватан қурилади. Ватан улугланади. Ватан ҳимоя қилинади, асраб-авайланади. Ватаннинг ҳам обод қиладиган, гуллаб-яшнададиган меъмори бўлади. Меъмор Ватан фаровонлиги, гўзаллиги, тинчлиги, тараққиёти, халқаро нуфузи, обрўси учун масъул, жавобгар ҳисобланади. Бу ваколатни, ишончини унга халқи беради.

Мушоҳада

Бу, бир томондан, шарафли, иккинчи томондан — машаққатли, мураккаб вазифадир. Беҳуда айтилмаган ахир: Ватан юқини юрагиде Ватани борлар кўтарди. Ўзбек халқида ўзи туғилиб ўсган тупроқда, киндик қони тўкилган ерда Ватан қуриш одати бор. Чукур ўйлаб қарасак, мана шу кичкинагина оиламиз яшайдиган уйни бир умр қура-миз. Бутун ўй-фикримиз мана шу уйни тиклашга қаратилган.

Аслида, мана шу уй, остана — Ватанимиздир. Афсуски, бутун бошли Ватанни қуриш, уни янгилаш, ўзгартириш, авлодларга муносиб мерос қолдириш қанчалик оғир меҳнатлигини ҳаммамиз ҳам англаб етмаймиз. Унинг залворини тасаввур қилмай-миз. Фикр этолмаймиз.

Ватанимиз сиёсий калтабинлик, узокни кўра олмаслик, ўз қобилига ўрналиб қолиш оқибатида мустақилликнинг ўтган чорак асри давомида стратегиясини, максимални, йўналишини бир неча марта ўзгартирди. Фақат 2016 йилга келиб аниқ мақсад, мустақам ва ўзгармас стратегия, маълум бир йўналишимизни танлаб олдик. Бу йўлдан қайтмас-лигимизни, чекимсизлигимизни баралла эълон қилдик.

Бугун Ватанимиз Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар ўртасида ечилмай қолган бирор муаммо йўқ. Ўзбекистон дунё ҳамжамияти олдига ҳам ўз бурчини ва мажбуриятларини чуқур ҳис этади.

Ўзбекистон халқаро майдонда зиддиятлар яратмайди. Ҳеч кимга таҳдид солмайди. Даво қилмайди. Аксинча, баъзи бир тарихий зидди-

иятни Европа даражасидан ҳечам қолдирмайди.

Энг юксак даражада...

Киргиз Республикаси Президентининг бу самимий, дўстона фикрлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тарихий хизматларига берилган муносиб баҳодир. Мазкур эътироф мени жуда тўқилантириб юборди. Ватанимдан, Президентимдан фахрландим.

Биз Ўзбекистонда ўз бераётган ўзгартиш ва янгилаштиришга кўникиб қолдик. Ҳатто табиий қабул қиладиган бўлдик. Бундан-да яхшироқ шароитларни орзу қила бошладик. Утмиш машаққатларини жуда тез унутдик. Назаримда баъзи бировларда шукр қамайгандек. Ўрнино ношукрлик эгаллагандек...

Кўшни давлат раҳбарининг чексиз ҳайратиде озгина армон, афсус-на-домат ҳам бор. Унинг фикрларини ўқиб давомида ўзимга қатор хулосалар чиқардим. Мамлакатимиз тарраққийнинг энг тўғри йўлидан кет-таётганига ишончнинг янада мустаҳкамланди. Нотинчлик, ур-ўйқитлар, ўзаро аҳилликнинг йўқотилиши қимматга тушишини яна бир бор англадим.

Кун давомида кўнглим кўтарилди, руҳим тетиклашиб, бутун вужудимни гурур, қувонч ва шодлик, ҳаётдан розилик эгаллаб олди.

Дарҳақиқат, Ватан қуриш осон эмас. Йўқдан бор қилиш ундан ҳам қийин. Биз ҳам бунёдкорларга тасаннолар айтишимиз, «Яшанг!» дейишимиз керак.

Сайёхлик масканларини жаҳон ва Европа стандартларига мос ҳолда қуришининг ҳам ўзи бўлмайди, албатта.

Қийинчиликлар ҳаққи-хурмати Ватан учун бир дона гишт қўйма-сангиз, бир дона қўчат экмасангиз ҳам майли... Фақат, Ватан шаънини сақланг. Ватан барпо этилаётганларнинг Ватанга бўлган муҳаббатига хиёнат қилманг.

Амирсой — бу денгиздан бир томчи. 2016 йилдан шу бугунгача барпо этилган гигант завод ва фабрикалар, мактаблар, шифохоналар, йўллар, кўприклар, спорт иншоотлари, темир йўллар, таълим даргоҳлари, бутун

бошли шаҳарлар... Санаб адоғига етиб бўлмайди улارнинг! Юқорида айтдик. Бизнесинг кўзимиз ўрганиб қолди. Ташқаридан келган нуфузли меҳмон, давлат ва сиёсат арбоби сўзларининг мағзини чақишимиз, ўзимизга хулоса чиқариб олишимиз керак.

Бугун кечаги хис-ҳаяжонларим босилмасдан туриб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёрдамчиси Саида Мирзиёева ўзининг «Facebook»даги саҳифасида эълон қилган мана бу хушхабар мени жуда қувонтирди:

«Мен Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлиш жараёнидаги ҳозирги ҳолат ҳақида қисқача маълумот бермоқчиман. 2024 йилда мамлакатимиз ушбу йўналишда катта қадам ташлади.

Бу Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган қатъий иқтисодий ислохотлар натижасида амалга ошди. Хусусан, ўтган йили ЖСТ Ишчи гуруҳи иккита муҳим йиғилиш ўтказди. Бу бизга аъзоликнинг асосий ҳужжати — Ишчи гуруҳ ҳисоботи лойиҳасини тайёрлашга киришишга имкон берди. Шунингдек, АКШ, Хитой ва Япония каби 15 та мамлакат билан иккита томонлама музокаралар якунланди. Натижада Ўзбекистон ҳисобиде 23 та имзоланган битим бор.

Қисқа вақт ичиде бизнесни ва рақобатни янада шаффоф этиш учун 20 та муҳим қонун қабул қилинди.

Тез орада ташкилотнинг тўлақонли аъзоси бўлиш учун жорий йилда ҳам биз шу суратда давом эта-миз. Бу мамлакатимизнинг инвестицион жозибадорлигини ошириши ҳамда ўзбек бизнесининг минтақавий ва глобал қўшилган қиймат занжирларига кириб боришини таъминлаш лозим.

ЖСТга аъзолик ва давлат раҳбари томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг якуний мақсади, шубҳасиз, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, унга муносиб иш ўринларини яратиш ва иқтисодиёт бошқарувини самаралироқ тизимга ўтказишдир...»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз ол-

дига қандай улугвор мақсадларни қўйганини англаяпмизми? Мамлакатимиз қайси йўлдан кетаётганини тушунапмизми? Буларни таҳлил қилиб, халқимизга етказиш керак, албатта.

Мустақил бўлганига салкам 35 йил тўлган мамлакатимиз нима учун Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлмаган? Тўғрисики тан олиб айт-тадиган бўлсак, 2016 йилгача халқаро ташкилотнинг эшиги Ўзбекистон учун ёпиқ эди.

Бундай ташкилотлар билан олиб борилган музокаралар боши бериб кўчага кириб қолганди. Халқаро ташкилотларни қўйинг. Ўзбекистон Марказий Осиёда ҳам ҳаммадан ажралиб, яққаланиб қолганди. Ўзининг яқин қардошлари — тили бир, дини бир, қондошлари билан ҳам келиша олмайдиган мамлакатга халқаро ҳамжамият ҳам шубҳа билан қара-рди, ишонмасди. Бунинг оқибатида биз муаммолар гирдобиде қолиб кетган эдик.

Бугун эса Ватанимиз қаддини тик-лаган. Йўлини топиб олган тарихий даврда яшаяпмиз.

Афсуски, бундай кунларимизни кўролмайдиганлар, нафақат ташка-рида, балки ичимизда ҳам бор. Улардан эҳтиёт бўлишимиз, кутку-сига умаслигимиз, алданиб қолмас-лигимиз, тўғри йўлдан адашмасли-гимиз жуда-жуда муҳим...

Икки кун ичиде ўқиганим — икки-та хушхабар менга худди қанот ба-ғишлагандай бўлди. Мақоламга сар-лава сифатида Ўзбекистон Қаҳра-мони, халқ шоири Эркин Воҳидов-нинг ўлмас сатрларини бежиз тан-ламадим. Бу туйғулар бугунги кун-ларимизга қанчалар ҳамоҳанг...

Президент Шавкат Мирзиёев бу-тунлай янги Ватан қурмоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этимоқда. Бу Ватан чин маънода бизнинг қандай халқ эканимизни ифодалайди, кўрсатади, бутун дунёга намойиш қилади.

Рустам ХОЛМУРОВОВ, Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Депутатлар — сайлов округларида

Халқ билан мулоқот:

МУАММО, ЕЧИМ ВА НАТИЖА

Фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, турмуш даражасини янада юксалтириш, уларни қийнаб келаётган муаммоларга ижобий ечим топишда халқ билан мулоқот энг мақбул тизимга айланди. Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларида бўлиб сайловчилар билан учра-шувлар ўтказмоқда. Уларда асосий эътибор амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонун-ларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушултириш бериш баробарида сайловчиларни уйлантираётган масала-ларни таҳлил этиш ҳамда уларни бартараф қилиш чора-тадбирларини кўришга қаратилаётди. Шунингдек, депутатлар ҳудудларда камбағалликни қисқартириш, инвестициявий лойиҳалар, янги уй-жойлар қурили-ши, аграр соҳадаги масъумий ишларнинг бори-ши билан қизиқишмоқда.



ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ

Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошиб бораётди.

Маълумотларга кўра ўтган йилда 885,8 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Бу кўрсаткич 2023 йил билан солиштирилганда 6,8 фоизга кўп дегани.

Шу билан бирга, 2025 йилнинг 1 январь ҳолатида Ўзбекистонда саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 55,6 мингтани ташкил этаётди.

Манба: Статистика агентлиги.



МАМЛАКАТ РАВНАҚИДА РАҲБАР АЁЛЛАР РОЛИ



Хотин-қизларнинг янгича ёндашув, гоё ва ташаббусларини амалга татиқ этишда кўмаклашиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, янгиликлар ва сиёсий жараён-

ларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш ҳамда мазкур жараёнларда лидер аёлларнинг ўрни ҳақида фикр алмашилди.

Учрашувда долзарб масалаларни аниқлаш, таҳлил этиш ва уларнинг қонуний ечимларини топиш, халқаро ташкилотлар билан манфаатли ҳамкорлик орқали ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ислохотларни илгари суришга доир масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Мулоқот давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

«Халқ сўзи».

ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев бошчилигидаги делегация Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрига ташриф буюрди.

Комиссия йиғилиши

Делегациянинг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича комиссиянинг тўртинчи йиғилишида қатнашди. Икки давлат раҳбарларининг очик, ўзаро ишончга асосланган мулоқоти ва мустаҳкам сиёсий

иродаси туфайли Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳада дўстлик, яхши кўшничлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик тамойиллари асосида ривожланиб келаётгани қайд этилди.

Самимият ва ишонч руҳида ўтган йиғилишда икки томонлама кўп қиррали шерикликка доир сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги кенг кўламли масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Сенатлари ўртасидаги парламентларо комиссия фаолияти самардорлигини ошириш, комиссиянинг 4-йиғилишини ўтказиш ва икки давлат парламентлари ўртасида янги "Йўл харитаси"ни имзолаш таклифи кўриб чиқилди.

Яқунда ўзаро ҳамкорлик бундан буён ҳам ҳурмат ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойиллари асосланган ҳолда конструктив тарзда ривожланиб боришга ишонч билдирилди.

Комиссиянинг 5-йиғилишини жорий йилнинг иккинчи ярим йилгида Ўзбекистонда ўтказишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Халқ билан мулоқот: МУАММО, ЕЧИМ ВА НАТИЖА

Ишончни мустаҳкамлашда муҳим кўрсаткич

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятов Наманган вилоятида бўлиб, маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари билан учрашди.

Унда ижтимоий соҳада олиб борилаётган ишлар, хусусан, жойларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазаси, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари арзон ва сифатли уй-жой билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати атрофида муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, ҳудудларда партия фаолиятини янада ривожлантириш, фуқаролар билан ишлаш механизмларини такомиллаштириш борасида янгича ёндашувларни жорий қилиш масалаларига алоҳида урғу қаратилди.

Учрашувда фракция раҳбари амалга оширилаётган ишларнинг доимий назоратини олиб бориш, олис ҳудудларда аҳолини қийнаётган ижтимоий муаммоларни эътибор билан ўрганиш тизимини янги босқичга кўтариш — партия, унинг қўйи палатадаги фракциясининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳолининг ишончи орттишида муҳим кўрсаткич бўлишини таъкидлади.

«Яшил макон»га эътибор

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари Абдушуккур Ҳамзаев бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида бўлиб, ҳудудда «яшил» иқтисодиётга ўтиш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратди.

Мазкур туманининг Учқизил маҳалласида тегишли мутасаддилар, жамоатчилик фаоллари иштирокида ўтказилган учрашувларда ижтимоий масалалар, жумладан, электр ва иссиқлик энергияси етказиб беришда юзага келаётган камчиликлар, озик-овқат хавфсизлиги, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги мавжуд муаммолар тингланди. Шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш, куёш панелларини ўрнатишдаги айрим масалалар бўйича мутасаддилар фикрлари эшитилди.

Бунёдкор маҳалласи ҳудудида жойлашган «Олис осмон» хусусий корхонасида айни шу масалага алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бугунги кунда куёш панелларини ўрнатиш ишлари олиб борилмақда. Айни чоғда корхона ҳудудида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида кўплаб мева ва манзарали дарахт кўчатлари экилган.

Ушбу корхона фаолияти билан таъминлаш асосида «яшил» энергияни янада ривожлантириш ва корхона атрофида «яшил белбоғ» ташкил этиш бўйича тавсиялар бериб ўтилди. Бундан ташқари, ишчи гуруҳ аъзолари Қарақорон маҳалласи ҳудудида жойлашган «Намуна Элегант агро» МЧЖга тегишли иссиқхонада ҳам бўлди.

1,6 гектар майдонга қурилган ушбу иссиқхона 2024 йилда ишга туширилган бўлиб, унда 20 турдан зиёд ноз-неъматлар етиштирилади. Эътиборли жиҳати, иссиқхона табиий йўл билан иситилади ва атмосферага захарли газлар чиқармайди.

Фракция раҳбари бу каби ёқилги ишлатилмайдиган ва атмосферага захарли газларни чиқармайдиган иссиқхоналарни кўпайтириш ҳамда халқимизда озик-овқат маҳсулотларини янги

кўпроқ етиштириш кераклигини таъкидлаб ўтди.

Спорт тўғрақлари фаолияти ўрганилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мақсуд Қурбонбоев Бухоро шаҳридаги Варахша маҳалласида бўлиб фуқаролар йиғини фаолияти билан танишди.

Аҳоли вакиллари билан ўтган очик мулоқотда фуқаролар томонидан кўтарилган кўплаб муаммолар тингланди ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Маҳалла йўллари, чиқиндиларни ўз вақтида олиш, тиббиёт хизматлари ва меҳнат имкониятлари билан боғлиқ масалалар ҳам диққат марказида бўлди. Депутат тегишли идоралар билан бирга қўлдан уларни ҳал қилиш чораларини кўришни билдирди. Шундан сўнг халқ вакили 34-умумтаълим мактабида бўлди. Таълим муассасасида ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди. Айниқса, иссиқлик таъминоти ва инфратузилма масалаларига алоҳида аҳамият қаратилди.

Парламент вакили мактабда спорт тўғрақлари фаолиятини ҳам ўрганди.

Депутат кўчат экди

Қонунчилик палатаси депутати Ноиб Иноятовнинг Қашқадарё вилоятида сайловчилар билан мулоқотлари ҳар томонлама самарали бўлди. Депутат дастлаб Кўкдала — Етти-том — Қарши автомобиль йўли ёқасининг 50 километр қисмида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида турли кўчатларни экиш жараёнида иштирок этди.

Маълум бўлишича, ҳар бир кўчат алоҳида эътибор билан, агротехник тадбирлар асосида экилмоқда. Йўл ёқаларига, асосан, сувсизликка чидамли айлант, ясин ва қайрағоч каби кўчатларни экиш режалаштирилган. Халқ вакили умуммиллий лойиҳа бир йиллик тадбир эмаслигини таъкидлаб, ҳудуд иқлими ва сув танқислигини инобатга олган ҳолда ушбу шартнома мос кўчат навларини экиш бўйича тегишли тавсиялар берди.

Айрим масалалар назоратга олинди

Қонунчилик палатаси депутати Ойдин Абдуллаева Чилонзор туманидаги «Тирсақобод» МФЙда бўлиб аҳоли билан очик мулоқот ўтказди, у ердаги мавжуд муаммоларни ўрганди.

Ўрганиш чоғида маҳалла ҳудуди ва унга туташ темир йўл ўртасида автомобиллар ҳамда пиёдалар юрадиган йўл борлиги, у бўйлаб икки томонлама автомобиллар қатнаши, пиёдалар йўлга йўқлиги боис ноқулайлик ва хавф-хатар вужудга келаётгани аниқланди.

Маҳалла ҳудудида киришда эса Гавхар ва Юкори Дархон кўчаларининг кесилишида аҳолининг хавфсизлиги учун светофор ва пиёдалар ўтиш жойини ўрнатиш зарурати борлиги маълум бўлди. Ҳар иккала масала ҳам депутат назоратига олинди, уларни ҳал этиш режаси белгиланди.

Халқ вакилининг наватдаги мазлижи — ушбу ҳудудда жойлашган 201-умумтаълим мактаби бўлди. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 3 июлдаги тегишли қарори билан ушбу таълим муассасаси биносини мукамал таъмирлаш белгиланган.

Ўрганиш давомида мактаб биноси, машғулот хоналари, кутубхона, спорт заллари таъмирга муҳтож бўлиб қолгани, қарорда белгиланган вазифалар ижросининг бажариллиши кечикаётгани аниқланди.

Ушбу маҳалла ҳудудида жойлашган 37-болалар боғчасининг эса хозирга қадар кадастр ҳужжати йўқ, Қолаверса, бинонинг пойдевори, иригация масалаларида қатор камчи-



ликлар қузатилгани боис мутасаддиларнинг аралашуви зарурат бор.

Тадбиркорлар билан очик суҳбат

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мухаммад Валиев Кўқон шаҳридаги учрашувлари давомида «Чорчирор», «Саодат», Собир Абдулла номли маҳаллалар фуқаролар йиғини ҳамда 7-оилавий поликлиника фаолияти билан танишди.

Фаоллар, нурунийлар, ёшлар ва хотин-қизлар билан бўлиб ўтган мулоқот давомида Президентимиз бошчилигида инсон манфаатларини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадларини ошириш борасида олиб борилаётган тизимли ислохотлар ҳақида сўз юритилди.

Шу билан бирга, Қонунчилик палатаси томонидан яқинда қабул қилинган аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерларни муҳофаза этишни қучайтиришга қаратилган қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтирди. Депутат Фуқрат туманидаги «Агробанк» хизмат кўрсатиш марказида ҳам бўлди.

Халқ вакили, шунингдек, Ўзбекистон халқ устаси, ёғоч ўймаkori Мухаммадали Юнусов раҳбарлигидаги «Уста Юсуфжон наққош» оилавий корхонаси фаолияти билан ҳам танишди. Суҳбат давомида тадбиркорнинг ўз фаолиятини кенгайтириши учун қандай масалалар ўйлантираётгани билан қизиқди. Сўнгги йилларда юртимизда оилавий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга эркин ва самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилди.

Мурожаат жойида ечим топди

Қонунчилик палатаси депутати Зухриддин Мавлонов Шеробод тиббиёт бирлашмасига қарашли «Наврўз» ҳудудий бўлимида бўлиб, бу ерда аҳоли учун яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди.

Депутат учрашув давомида мазкур ҳудудда тўхтаб қолган бино қурилишни тезроқ тугаллаш ва яна битта бино қурилиш дастурга киритиш юзасида тегишли ташкилот мутасаддилари билан гаплашди. Ушбу ишларни якунига етказиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Шунингдек, Шеробод туманининг «Хужақия-2» МФЙдаги Ҳошим Норсатов ёрдамчи хўжалигида мавсумий ишлаётган хотин-қизлар билан учрашув ўтказилди.

Очик мулоқот чоғида фуқаролар томонидан турли масалаларга оид кўплаб мурожаатлар бўлди. Хусусан, фуқаро Д. Юсупова маҳаллада болалар стадиони, боғча йўқлигини айтиб, бу бўйича депутатдан амалий ёрдам сўради. Ушбу масала депутат томонидан назоратга олинди.

Экотуризмни ривожлантириш ҳолати қандай?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жавлон Абдуллаев сайловчилар билан учрашувини Фарғо-

на вилоятининг Ёзёвон туманидан бошлади.

Дастлаб халқ вакили туманда янги бунёд этилаётган «Янги Ўзбекистон» массивида амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди. Ушбу ҳудудда олиб борилаётган қурилиш ишлари, бинолар хавфсизлиги, «яшил» энергия билан таъминлаш жараёни ва ҳудуддаги экологик вазият билан танишди.

Депутатнинг сайловчилар билан учрашуви давомида кам таъминланган аҳолининг уй-жойга эҳтиёжи масалалари ҳам эътибордан четда қолмади. Ўрганиш жараёнида аниқланган муаммолар ва юзага келган масалалар бўйича мутасаддиларга тегишли сўров ва тавсиялар берилди.

Шунингдек, халқ вакили Ёзёвон туманидаги сув омбори мажмуасида бўлиб кишлоқ хўжалиги, қурилиш ва инвестиция соҳаларининг мутахассислари, партия фаоллари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида жамоатчилик эшитиш ўтказди.

Унда туманда экотуризмни ривожлантириш, аҳоли учун сифатли ва тоза ичимлик суви етказиб бериш, «яшил» энергиядан фойдаланган ҳолда замонавий, экологик хавфсиз уйлар қуриш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳудудда «яшил белбоғ»лар барпо этиш ҳамда экологик муҳитни яхшилашга оид бир қатор масалаларга эътибор қаратилди.

Қонунчиликдаги янгиликлар кенг тушунтирилди

Қонунчилик палатаси депутати Дилмурод Артиқов Наманган вилоятининг Уйчи туманида бўлиб бир қатор ижтимоий соҳа объектлари фаолияти билан яқиндан танишди.

Дастлабки манзил — 3-сектор ҳудудида янги фойдаланишга топширилган 43-давлат мактабгача таълим ташкилоти бўлди. Бу ерда у бир гуруҳ маҳалла фаоллари, нурунийлар ва ёшлар билан суҳбатлашди.

Учрашувда сўнгги йилларда мамлакатимизда ўсиб келаётган авлоднинг соғлом ва ҳар томонлама етук вояга етказиш, мактабгача таълимнинг самарали тизимини ташкил этиш, камров даражасини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани айтилди. Фуқаролар айрим масалаларни бартараф қилишда депутатдан амалий ёрдам сўради. Бу масалалар асосидан тегишли соҳа вакилларига зарур тавсиялар берилди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти қўллаб-қувватланаётгани, бизнес вакилларига эркин ва самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратилаётгани, солиқ имтиёзлари берилаётгани боис Наманган вилоятида ҳам тадбиркорлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Депутат вилоятдаги ўрганишлар домида Чортоқ туманидаги кичик саноат зонасида ҳам бўлиб, «Ойдина текстиль» МЧЖ фаолиятини кўздан кечирди, ишчи-ходимлар билан мулоқот қилди.

Депутат, шунингдек, ҳудудда камбағалликни қисқартириш, инвестициявий лойиҳалар, янги уй-жойлар қурилиши, аграр соҳадаги мавсумий ишларнинг бориши каби қатор муҳим масалаларни ҳам ўрганди.

«Халқ сўзи».

КЎШРАБОТ ТУМАНИ ТАЖРИБАСИ ТАҚДИМОТИ: МУСБАТ ВА МАНФИЙ ҚИРРАЛАР

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлисида Самарқанд вилояти сектор раҳбарлари томонидан камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича Кўшработ тумани тажрибаси тақдимоти ўтказилди.

Ҳудудлар ўртасида иқтисодий тенгсизликни камайтириш, туман ва шаҳарларни шариоти, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш бўйича жорий қилинган янгича ёндашувлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, 2023 йилдан бошлаб 5-тоифага мансуб Кўшработ туманидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг алоҳида тартиби жорий қилиниши ҳисобига уларга 2023-2024 йилларда 12,7 млрд. сўмлик солиқ имтиёзлари берилган. Ўтган йилнинг ўзида қарийб 700 та тадбиркорлик субъекти ташкил қилиниб, уларнинг сони 2,1 мингга етган ва қарийб 1 мингта иш ўрни яратилган.

Инвестиция дастури доирасида 35,4 млн. долларлик 41 та лойиҳа ишга туширилди. 23,6 млн. долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, экспорт ҳажми 3,5 млн. долларга етди. Саноат 109 фоизга, қурилиш — 120, хизматлар — 110, кишлоқ хўжалиги 108 фоизга ўсган.

Маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш, тадбиркорлик лойиҳаларига 54,2 млрд. сўмлик имтиёзли кредит ва 1,5 млрд. сўмлик субсидия маблағлари ажратилди. Сайхунбод, Уйчи, Зарбдор ва Гиждувон тажрибаларини жорий қилиш бошлангани, иқтисодий комплекснинг маҳаллага туширилгани ҳисобига ўн та маҳалла саноат ва кишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган, 1,2 минг аҳоли расмий иш билан банд қилинди.

«Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури доирасида эса йил якуни билан 2,3 минг оила камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражасини 16,2 фоиздан 7,9 фоизга камайтиришга эришилди.

Муҳокама жараёнида сенаторлар амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида ўз ечимини кутиб турган айрим масалаларга, ишга солинмаган имкони-

ятларга ҳам тўхталиб ўтди. Маҳаллаларда 2021-2022 йилларда ташкил қилинган кичик саноат зоналари зарур инфратузилма билан таъминланмагани сабабли бугунги кунга қадар 3 та кичик саноат зонасидан 2 тасида бирорта лойиҳа амалга оширилмаган.

Туман ҳудудида бўш турган 4 та объект дастлабки қиймати пасайтирилиб, бир неча мартаба аукционга чиқарилганига қарамастан сотилмаган. «Маҳалла еттилиги» қарори билан 30 турдаги субсидия маблағларини олиш имконияти яратилган бўлса-да, ўтган давр мобайнида фақат 3-4 та турдан фойдаланилган. 6 та маҳаллада камбағал оила аъзоларига субсидия маблағларини ажратиш чоралари умуман кўрилмаган.

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғидан мавжуд қарздорлиги ўтган йилдагига нисбатан қарийб 7,4 фоиз ошган.

Учрашувда фракция раҳбари амалга оширилаётган ишларнинг доимий назоратини олиб бориш, олис ҳудудларда аҳолини қийнаётган ижтимоий муаммоларни эътибор билан ўрганиш тизимини янги босқичга кўтариш — партия, унинг қўйи палатадаги фракциясининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳолининг ишончи орттишида муҳим кўрсаткич бўлишини таъкидлади.

ТЎҒРИ ВА УНУМЛИ ФАОЛИЯТ — ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

Олий Мажлис Сенатида «Маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш» мавзусида семинар уюштирилди.

Унда Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзолари ҳамда Ҳудудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази ва қўмита экспертлари, маҳаллий Кенгашларнинг коррупцияга қарши курашиш ва хавфсизлик масалалари бўйича доимий комиссиялари раислари, котибият мудирилари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, қонун устуворлигини таъминлаш, иқтисодий ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юкори бўлган давлатлар қаторидан қўй олиш мақсадида маҳаллий Кенгашлар депутатларининг назорат фаолиятини қучайтиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди.

Маҳаллий Кенгашларни тизимлаштириш ва функцияларини кенгайтириш учун уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини қучайтириш, маҳаллий давлат ҳокимиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шарт-шароитларда йўлга қўйиш, фаолиятда «Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким» тамойилини илгари суриш юзасидан қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Маҳаллий

вакиллик органларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Уларнинг доимий асосида фаолият юритувчи котибиятлари ташкил этилди. Доимий комиссиялар Олий Мажлис Сенати қўмиталарига уйғун тарзда қайта шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралдаги Фармони билан ижро этишчи ҳокимиятнинг жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишга оид 33 та функция ва ваколатлари маҳаллий Кенгашларга ўтказилди.

Семинарда маҳаллий Кенгашларнинг коррупцияга қарши курашиш ва хавфсизлик масалалари бўйича доимий комиссиялари сессияларга киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий Кенгаш қарорлари, ҳудудларни ривожлантиришга қаратилган дастурлар, «йўл хариталари» ижросини ўрганиш каби масалалар юзасидан фикр ва тавсиялар билдирилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — БАА:

«ЯШИЛ» ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очди, дейиш мумкин. Узро алоқалар стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Ҳўш, стратегик шериклик нима? У — энг муҳим масалаларда ҳамқадмлик келишуви. Умумий мақсадлар ва ўзаро манфаатларга эришишга қаратилган икки давлат ўртасидаги аҳд. Қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, ҳамкорликка оид «Йўл харитаси» дир.

Абу-Дабининг «Қаср аш-Шати» қароргоҳидаги икки давлат раҳбарининг учрашуви якунида стратегик шериклик тўғрисидаги келишувдан ташқари инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, молиявий-техник шериклик, стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужуматларро битимлар ҳам маъқулланди.



диларни йилига 1,4 млн. тоннага камайтиришга эришилади. Ушбу шомол электр станцияси ҳамкорликнинг янги босқичи бўлиб, у Ўзбекистонга энергетика хавфсизлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятини беради.

Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг Париж битимида кўзда тутилган атмосферага зарарли чиқиндилар чиқаришни камайтириш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришга кўмаклашади. Компания нафақат қуёш ва шомол энергетика бўлиб, БААни энергия бўйича илғор позицияларга олиб чиқишни кўзда тутди. Тоza энергия секторини ривожлантиришда кашшоф, барқарорлик ва иқлим бўйича глобал етакчи сифатида БААнинг қарашларини амалга оширишининг асосий омилли бўлган «Masdar» олти қитъанин 40 дан ортқ мамлакатларида умумий қуввати 31,5 ГВтдан ортқ бўлган лойиҳаларни ишлаб чиқди.

Дунёдаги етакчи «яшил» энергия манбалари компанияларидан бири Ўзбекистон энергетика соҳасидаги сармояларини икки баробар, яъни 2 млрд. доллардан 4 млрд. долларга оширишни режалаштирган. Озарбайжоннинг Боку шаҳрида бўлиб ўтган «СОР-29» анжумани доирасида Ўзбекистон Энергетика вазирлиги ва БААнинг «Masdar» компанияси ўртасида Навоий вилоятининг Учқудуқ туманида қуввати 1000 МВт бўлган шомол электр станциясини қуриш лойиҳасини амалга ошириш бўйича шартнома имзоланди. Мазкур электр станцияни қуриш жараёнида 600 — 800 та янги иш ўрни яратилди. Лойиҳа ижроси натижа-сида йилига 3,5 млрд. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиши тўғрисида 1 млрд. куб метр табиий газ захиралари тежалди.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон учун нафақат иқтисодий фойда, балки атроф-муҳит ҳимояси учун ҳам катта аҳамиятга эга. Мазкур шомол электр станциясини қуриш орқали атмосферага чиқарилган чиқиндиларни йилига 1,4 млн. тоннага камайтиришга эришилади. Ушбу шомол электр станцияси ҳамкорликнинг янги босқичи бўлиб, у Ўзбекистонга энергетика хавфсизлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятини беради.

ва Зайд мукофоти, унинг 96 нафар голиби бутун дунё бўйлаб 370 миллиондан ортқ кишиларнинг ҳаётига ижобий таъсир кўрсатди.

Умуман, «Masdar» компаниясининг илк бор чекка худудларни узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш лойиҳалари болаларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш шартини берди. Мисол учун, Белизда қуёш энергияси билан ишлайдиган минитармоқ болаларга интернетга кириш имконини яратди.

технологияларга сармоя киритиш, ирригация тизимларини модернизация қилиш лозим. Сув ресурсларини самарали бошқариш бўйича келишувларга эришиш ва сунъий интеллект, сунъий йўлдош мониторинги ва бошқа рақамли воситалар ёрдамида фойдаланиш янги самара беради.

Озиқ-овқат хавфсизлиги ҳам кун тартибидеги долзарб масалалардан бири. Жаҳон бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари ва ўғитлар билан барқарор таъминлаш учун инновацион ёндашувлар зарур. Ўзбекистон халқаро бозорга кўп миқдорда турли маҳсулотларни экспорт қилувчи давлат сифатида барқарор қишлоқ хўжалиги усуллари ва технологияларини янада такомиллаштириш ниятида. Бунинг учун соҳага сармоялар киритилиши, глобал етакчи энергия компаниялари билан шерикликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Шу нуктаи назардан, Абу-Дабида ўтган ҳафталик келгуси ўн йилликлар учун барқарор ривожланиш соҳасидаги устувор йўналишларни белгилаш ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришда муҳим платформага айланди.

Бугун мамлакатимиз «яшил» иқтисодиёт, «яшил» энергетика, инфратузилмани ривожлантириш орқали янги инвестиция ва технологияларни жалб этмоқда. Бу борада БАА инвестицияларни даромадли ва технологияларни самарали қиларидиган ишончли ҳамкордир.

Асосийси, ҳамкорлар давлатимиз раҳбарининг барқарор ривожланиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ва ташаббусларини эътироф этмоқда. 2030 йилга бориб, Ўзбекистон «CO₂» эмиссиясини 35 фоиз камайтириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини улушини эса 54 фоизга етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Демак, давлатимиз раҳбарининг «Абу-Даби барқарор ривожланиш ҳафталиги»даги нутқи моҳиятидан барчамиз чуқур англаганимиздек, табиатни асраш бўйича Ўзбекистон ташаббуслари сиёсий мақсад эмас, балки келажак авлод олдидаги масъулиятни намойиш этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг оқилона ва аниқ мақсадга қаратилган ташқи сиёсати тўғрисида энди мамлакатимизнинг стратегик шериклари қаттиқ баҳолашга БАА ҳам қўшилди, барқарор ривожланиш соҳасидаги Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирликлари мулоқоти натижа-сида бугун «яшил» тараққиёт умумийлиги ҳаракат даражасига кўтарилди.

Бундан ташқари, минтақамиз трансчегаравий дарёларга боғлиқ, бунда эрта оғохлантириш тизимини йўлга қўйиш, сув ва ердан фойдаланишни яхшилашимиз керак. Шу билан бирга, сувни тежовчи

ШУҲРАТ ТОШМАТОВ,
Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
проректори, иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор.

БОЖХОНА хабарлари

Автотранспортларнинг электрон навбат тизими

Давлат раҳбарининг тегишли қарори билан Ўзбекистоннинг транспорт-логистика тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди.


Унга кўра, бир қатор асосий мақсадли кўрсаткичлар ва индикаторлар белгиланди. Жумладан, автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортда халқаро юк ташиш умумий ҳажмининг камида 2 қарра, транспорт ва логистика хизматлари экспортини 2 бараваргача, контейнерларда юк ташиш улушини камида 1,5 баробарга ошириш, шунингдек, Жаҳон банкининг Логистика самардорлиги индекси (LPI)да Ўзбекистоннинг ўрнини 55-погондан паст бўлмаган даражагача кўтариш кўзда тутилган.

Оқларни халқаро ташишни ташкил этишда транспорт-экспедиторлик хизматларида ҚҚС «ноль» ставка қўлланилади. 2025 йил 1 июндан давлат чегараси орқали автомобиль ўтказиш пунктларида автотранспорт воситаларининг электрон навбат тизими йўлга қўйилади. Халқаро автомобиль транспорти иттифоқи билан ҳамкорликда халқаро автомобиль транспорти соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича минтақавий ўқув маркази, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўйлаб сервис объектлари ташкил этилади.



«Навоий» чегара божхона пости синов режимида

Тошкент туманида жойлашган ва янгидан бунёд этилган «Навоий» чегара божхона пости («Зангиота» чегара ўтказиш пункти) 2025 йил 27 январдан эътиборан синов режимида иш бошлади.



Бу ҳақда Божхона кўмитаси матбуот хизмати хабар берди. Янги кўринишдаги ушбу божхона постида фуқаролар учун зарур шарт-шароитларга эга кенг ва ёруғ заллар, автобус ҳамда енгил автотранспорт воситалари ва уларда ҳаракатланаётганлар учун алоҳида йўлаклар ташкил этилган.

Божхона постига туташ ҳудудда бир вақтда 500 дан ортқ енгил автотранспорт воситалари, 100 дан зиёд автобусларни қабул қилиш имкониятига эга замонавий автотураргоҳ барпо этилди. Унда халқаро йўналишда ҳаракатланаётган автобус ва енгил автотранспорт воситалари, шунингдек, маҳаллий йўналишдаги жамоат транспортлари ҳамда такси хизматлари йўлга қўйилган. Автотураргоҳда транспорт воситалари учун кутиш жойлари, фуқаролар учун тез тайёр бўлувчи тамадди-хоналар, кафе, бошқа маиший ва ижтимоий хизматлар, бундан ташқари, халқаро йўналишдаги автотранспорт воситалари учун шаффоф электрон навбат тизими йўлга қўйилмоқда.

«Довут ота» чегара ўтказиш пункти юк машиналаридан ташқари барча учун 3 ойда ёпилади

Қозоғистон Республикасининг «Тажен» (Ўзбекистон Республикасининг «Довуд ота») чегара ўтказиш пункти орқали шахслар, енгил автомобиллар, автобуслар ҳамда рухсат этилган тўлиқ вази 3,5 тоннадан ошмайдиган юк автомобиллари ҳаракати 2025 йил 1 февраль санасидан бошлаб 3 ой мuddатга вақтинча тўxtатилади.

Божхона кўмитасидан хабар берилишича, мазкур чегара чегара ўтказиш пунктларида таъмирлаш ва ҳилозлаш ишлари олиб борилиши муносабати билан Қозоғистон Республикаси томонидан жисмоний шахслар ва транспорт воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жорий этилмоқда.

Шу сабабли, ушбу давр мобайнида «Тажен» (Қозоғистон) — «Довуд ота» (Ўзбекистон) чегара ўтказиш пунктлари орқали ҳаракатланувчи шахслар, енгил автомобиллари, автобуслар ҳамда рухсат этилган тўлиқ вази 3,5 тоннадан ошмайдиган юк автомобиллари «Ялама», «Зангиота» («Навоий» чегара божхона пости), «Оқ олтин» ва «Малик» ўтказиш пунктлари орқали ҳаракатланиши сўралмоқда.

Тўлиқ вази 3,5 тоннадан ортқ бўлган юк автомобилларининг «Тажен» (Қозоғистон) — «Довуд ота» (Ўзбекистон) чегара ўтказиш пункти орқали ҳаракати узлуксиз давом эттирилади.

«Халқ сўзи».

Муносабат

Шунингдек, иқтисодий алоқаларнинг янги модели, жумладан, сунъий интеллект, рақамлаштириш, «яшил» энергетика, шаҳарсозлик ва инфратузилма, туризм, хусусий бизнес каби 6 та асосий йўналиш белгилаб олинди. Қолаверса, Абу-Даби ва Тошкент ўртасида 2030 йилга қадар ўзаро савдо ҳажмини 10 баробарга кўпайтириш ва инвестиция портфелини 50 млрд. долларга етказиш режаси ҳам эълон қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда БАА билан товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми, кўпма қорхоналар сони бир неча баробар ошди. Тўғридан-тўғри авиақатновлар сони кўпайди, визасиз тартиб жорий қилинди. Президентимизнинг ташрифи доирасида БААнинг етакчи компаниялари билан янги, асосан, юқори технология тармоқларда лойиҳалар портфели шакллантирилди. Сиёсий алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги мулоқотни янада ривожлантиришга келишиб олинди.

Барқарор энергетика ва тараққиёт

Давлатимиз раҳбари иштирок этган «Абу-Даби барқарор ривожланиш ҳафталиги» БАА ҳукумати ва «Masdar» компанияси томонидан барқарор ривожлантириш соҳасидаги глобал муаммоларни ҳал этиш учун ташкил қилинган халқаро платформадир.

Форумнинг мақсади жаҳонда барқарор тараққиётни жаддалаштириш, иқтисодий, ижтимоий ва экологик ривожланишга кўмаклашиш, озиқ-овқат ҳамда сув хавфсизлигини таъминлаш, энергия тежамкорлиги ва карбонсизлантиришни

САМАРАЛИ МЕҲНАТ ВА УЛКАН ХИЗМАТЛАР ЭЪТИРОФИ

Мазкур мукофот Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист У. Мингбоев таваллудининг 90 йиллиги арафасида ўтган давр мобайнида тизим тараққиёти йўлида олиб борилган ибратли фаолият, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун берилгани қайд этилди.

Таъкидланганидек, У. Мингбоев мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ идораларида қарийб олтими йилдан буён самарали меҳнат қилиб келётган таниқли давлат ва жамоат арбоби. Ўтган давр мобайнида Сурхондарё вилояти суди судьяси, вилоят суди раисининг ўринбосари, Олий суд судьяси лавозимларида ишлади, Бухоро вилояти ва Тошкент шаҳар судларига раҳбарлик қилди, шунингдек, Судьялар олий кенгаши раиси сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг биринчи раиси сифатида номи тарихга муҳрланган алоҳида тахсинга лойиқ. У киши Конституциявий лойиҳасини тузишда фаол иштирок этган, ўтган асрнинг 30 — 35-йилларида қатагон қилинганлар, 83 — 86-йилларда «Ўзбеклар иши» деб ноҳақ қамалганларнинг қўлларига адолатли суд қарорларини чиқарган. 2009 йилдан буён Ўзбекистон суд тизими фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази раиси сифатида меҳнат қилиб келяпти.

Айтиш жоизки, шу кунга қадар у «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони, «Фидокорона хизматлари учун» ордени, «Жасорат» медали билан тақдирланган.

Тадбирда сўз олганлар бу галги — «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвони У. Мингбоев фаолиятига берилган юсак баҳо ҳамда Ҳамият ва давлат олдидаги улкан хизматларининг амалий эътирофи эканини таъкидлашди.

«Халқ сўзи».

Ишчи гуруҳи вакиллари — худудларда

МАҚСАД — АҲОЛИ ТУРМУШИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ

Давлатимиз раҳбари топшириғига асосан ташкил этилган Президент Администрацияси ва Халқ қабулхонаси бошчилигидаги Республика ишчи гуруҳлари жойларда ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Ишчи гуруҳлар аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, миграциядаги фуқаролар билан ишлаш каби қатор масалалар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида фаолият юритаётди.

Яқинда ушбу худудларда Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар, Мактабгача ва мактаб таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Автомобиль йўллари кўмитаси, «Ўзсувтаъминот», «Худудгазтаъминот» ва «Худудий электр тармоқлари» АЖ раҳбарлари ҳамда масъуллари иштирокида 200 га яқин сайёр қабуллар ўтказилди. Уларда келиб тушган 3 мингдан зиёд муурожаатларнинг 1,3 мингтаси жойида ҳал қилинган бўлса, қўшимча ўрганиш талаб этилган қолган қисми масъуллар томонидан назоратга олинди.



лан ҳамкорликда 46 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада 1,8 мингга яқин аҳоли бандлиги таъминландиган бўлди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида хорижий давлатларда бўлиб турган 20 мингга яқин фуқаролар билан «маҳалла этилиги», сектор раҳбарлари иштирокида

Шу билан бирга, аҳоли саломамлигини мустаҳкамлаш мақсадида чегара ва энг олис худудлардаги маҳаллаларда фуқаролар учун чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар ўтказилди. Натижада 584 нафарига стационар шариотда даволанишга йўланма ҳамда 13 минг 911 нафар фуқаро бепул дори-дармонлар билан таъминланди. Шунингдек, 579 нафар фуқаро стационар шариотда даволанишга ётқизибли, 94 нафарига даволаниш учун республика ихтисослаштирилган марказларига йўланмалар берилди.



Республика ишчи гуруҳи фаолияти давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Комил Синдоровнинг «Темурийлар кутубхонаси сири» асари инглиз тилига таржима қилиниб, «Amazon.com» электрон савдо платформасида сотувга чиқарилди.

БЕҲБУДИЙ НЕГА АМИР ДОНИЁЛ НОМИДАН МАКТУБ ЙЎЛЛАДИ?



Юртимиздаги кўплаб алломалар қатори Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам ўз даврида Бухорода таҳсил олган. Шу боис мазкур қадимий шахардаги ҳар бир мадраса, гузар унга яхши таниш эди. Таассуфки, ўтган асрнинг бошларида не-не кечмишларнинг тилсиз гувоҳи саналган тарихий обидалар, табарроқ қадимжолар сояда қолиб кетди. Аҳолининг турмуши оғирлашди. Кўҳна заминнинг ранги рўйи сомондек сарғайди.

Тарих ҳақиқати

Беҳбудий бу ҳолдан беҳад изтироб чекади. У юртининг бир жонқуяр фарзанди, маърифатпарвари сифатида Бухорои шарифнинг аянчи аҳволига бефарқ қараб тура олмайди. Садриддин Айний ёзиб қолдирган хотираларга кўра, Маҳмудхўжа Беҳбудий 1912 йилнинг кузида Бухорода бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг мақбараларини зиёрат қилгани борган, — дейди Бухоро давлат университети доценти, шу олий ўқув юрти тузилмасидаги Катагон қурбонлари хотираси музейи директори Азалшоҳ Хамроев. — Зиёратгоҳ ва у ердаги масжиду мадрасаларнинг ачинарли аҳволини кўриб, у анчагача ўзига кела олмайди. Мақола ёзишга жазм этади. Ундаги фикр-мулоҳазалар Бухоронинг мангилар сулоласи асосчиси Амир Дониёлнинг номидан ёзилган мақтуб сифатида баён қилинади. Биз томонимиздан табиқ этилган ушбу мақтубда "Тутган усулимдан бири, муҳим ишларда барча беклар сўзларини тинглаб, охирида ўз фикрим билан қарор қабул қилар эдим. Ҳатто севиқли рафиқам Ойим: "Эл-улус ишла-

рида сиз нима учун ҳар ким сўзин маъқул дерсиз, бегим?" деб менга шиддатли эътирозлар қиларди. Мен унга ҳам: "Шоҳмуродим онаси, сенинг сўзинг ҳам маъқул!" дер эдим," деган сўзларни ўқиш мумкин. Ушбу сўзлар мағзида жуда катта фалсафий маъно ётибди, албатта. Қолаверса, "Амир Дониёлнинг қабридан ёзган мақтуби" сарлавҳаси остида "Шўро" журналининг 1912 йил 23-сонидан эълон қилинган бу мақолада таъкидланганидек, ўзбошимча хон ва бекларни бўйсундириб, Бухоро амирлигини барпо этган Дониёлга бежиз оталик унвони берилмаган. — Мақоладаги яна бир жиҳат эътиборни тортмай қўймайди, дейди Бухородаги ZARMED университети ўқитувчиси, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Мавлуда Раҳмонова. — Унда ёзилишича, Дониёл оталикнинг рафиқаси Ойим "Ҳайитларда халқнинг болалари гул каби очилиб кийнади, ясади, аммо менинг Шоҳмуроджоним эса эски кийимда", дея ҳасрат қилади. Мақтуб мазмунидан куринашича, Дониёл оталик фарзанд таълим-тарбиясига алоҳида эътибор

қаратган. Уни хушқул, камтар қилиб тарбиялаган. Мақолада Шоҳмуроднинг "Бобом Темура ҳазратларидан қолмиш муборак даҳмалар (мозор, марқад) ва аллома Улуғбек, Ялангтўш баҳодир, Шайбонийхон ва бошқа буюқлардан мерос масжид, мадраса ва мақбараларни ва ҳатто савмаъалар, яъни (гайридинлар ибодатхонаси)ни ҳам татхир этиб, яъни тозалаб, таъмирлаб, буюқ Темурдан қолган Кўкшош тахтини Самарқандда жулус (мажлис ва машварат жойи) этди", деган сўзларни ўқиймизки, бу тахт ворисининг ёшлигида яхши тарбия кўрганидан далолатдир. Беҳбудий Дониёл оталиқ номидан битилган мақолада "Ҳожа Баҳоуддин мақбаралари яқинида бино қилинган фақирона даҳмада ётибман", дея ёзар экан, юрагидаги тугёни юзага чиқаради: "Мендан қолган мамлакат — амирликни ворисларим қандайдора этсалар ҳам, менинг ишим йўқ. Фақатгина "Нақшдори об" бўлган Бухоро ҳукуматидан; агар ҳукмат эшитмаса, Бухоронинг бугунги ватанпарвар уламосидан; улар эшитмаса, шариат аҳлидан талаб ва илтижо этаманки, меним даҳмам атрофидаги муқаддас мадраса ва қорихонамда яшаётган пес, мохов, шол ва

қўрлар ўрнига, илм толиблари ва қориларни қўйсинлар. Афсуски, бу ердаги масжид ва хужралар пес-моховлар маскани бўлиб қолган", деган аччиқ сўзларни айтади. Бухоролик яна бир тарихчи олим Фаррух Темировнинг ёзишича, Беҳбудий чиндан ҳам 1912 йилнинг кузида дўстларини йўқлаб Бухорога келади. Айнийнинг Кўқалдош мадрасасидаги хужрасида меҳмон бўлади. — Садриддин Айнийнинг хотираларидан бирида "Ҳожа Баҳоуддин тарбати атрофида солинган қабатма-қабат масжидларни кўриб кўп кизди. "Намоз учун бир ерда бир масжид ва бир сула кифоя қилар эрди. Бошқа масжидларнинг ўрнига мактаб солиниб, бунда йиғилган фақир ва йўқсулларнинг болаларини ўқитсалар эди, шунча сафилар кимсалар ўрнига ўз кунини кўратурган бир тўда фаол одамлар етишар эди" деди. Амир Дониёл мадрасасининг харобаларини кўриб, гоят хафа бўлди. Халқнинг бор-йўғини еган билан тўймасдан ўз боболаридан қолган вақфларин хар томон мусодара қилиб, мадрасаларини қабристонга айлантириб ташлаган амирларга лаянат ўқиди", деган сўзларни ўқиш мумкин, — дейди Ф. Темиров. Шулардан келиб чиққан ҳолда айта оламизки, Амир Дониёлнинг номидан ёзилган мақтуб аслида Маҳмудхўжа Беҳбудийни қўйнаган, изтироблар исканжасига олган йўлларнинг ёзма ифодаси эди. — У нажотсиз бир паллада ўз фикрини баралла айтиш ва жамоатчилик фикрини шакллантириш учун матбуот кучидан фойдаланишни ягона чора сифатида кўрди, — дейди А. Хамроев. — Зеро, Бухоронинг сўнги амира Саййид Олимхон катта бобоси қабридан чиққан садоларга бефарқ бўлди. Шўро ҳокимияти дав-

рида ҳам Беҳбудийнинг орзулари армонлигича қолаверди... Мустақиллик бизга чин маънода миллий ўзлгимизни қайтарди. Бу даврда маърифатпарвар жадид боболаримизнинг номлари оқланди. Илмий мерослари чуқур ўрганилмоқда. Ҳаётлари, иходлари, асарлари тарғиб қилинмоқда. Президентимизнинг "Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Шунга кўра, айти кунларда Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда. Қарорда алломанинг илмий меросини ўрганиш ва уни ёшларга тушунарли тилда етказиш каби долзарб вазифа ҳам қўйилган. Биз юқорида сўз юритган Дониёлнинг рамзий мақтуби ҳам ёшларимизнинг Маҳмудхўжа Беҳбудий шахси, унинг мақсад ва орзу-умидлари хусусидаги тасаввурларини бойитади. Яна бир гап. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуасидаги қадимги дарвозалар — Токи Миёна, Ҳожа Диловар, Боб-Уси Салом асл ҳолига келтирилди. Дониёлнинг мадрасаси ва мақбараси ҳам вақф хужжатлари асосида қайта тикланди. Баҳоуддин Нақшбанд волидалари Орифабиби зиёратгоҳи меъморий мажмуа ичдаги ансамблга айлантирилди. Бинобарин, бугун жадид боболаримизнинг орзулари ушломолқа, дея баралла айта оламиз. Улар қолдирган бой мерос тарихий қадриятларимизнинг ажралмас бир қисми сифатида ҳаммиша халқимиз эъзозидадир.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»)



ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЎҚУВЧИЛАР ЧИЗГАН РАСМЛАР ТОКИОДА НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

Япония пойтахтидаги Миллий санъат саройида шу йил 23 январда бошланган ва 2 февралгача давом этадиган "Санъат — чегара ошиб" номли расмлар кўргазмасида Ўзбекистон болалари чизган расмлар бурчаги ташкил қилинди.

Биз ва жаҳон

Ўзбекистон болалари расмларининг намоиши мамлакатимиз элчионаси томонидан Халқаро Сумие жамияти билан биргаликда уюштирилди. Ушбу кўргазмада 35 та мамлакатдан йиғилган 500 дан ортиқ санъат асарлари намоийш қилинмоқда. Ўзбекистон бурчаги Мактабча ва мактаб таълими вазирилик ҳузуридаги ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ АГЕНТИГИ тизимидаги мактаблар ўқувчилари томонидан чизилган 30 та расм билан безатилди. Уларда юртимиз табиатининг гўзаллиги, маданий мероси, миллий либослари, тарихий ва диққатга сазовор жойлари тасвирланган. Кўргазмининг очилиш маросимида элчионамиз вакиллари Япониянинг марказий санъат саройларидан бирида бундай расмлар орқали юртимиз маданияти ва урф-одатларини япон томошабинига кенг намоийш қилиш имконияти яратиб берилган учун миннатдорлик билдирди. Шунингдек, халқаро кўргазмаларда иштирок этиш ўзбекистонлик ёшларнинг янада самарали ижод қилишига руҳлантириши ургуланди. Кўргазма ташкилотчиси, Халқаро Сумие жамияти раиси, таниқли япон рас-



соми Тохун Кобаяши Ўзбекистон ўқувчиларининг ижодий машқларини алоҳида эътироф этди. "Токио шаҳри марказида жойлашган машур Миллий санъат саройида 22-бор ўтказилаётган "Санъат — чегара ошиб" номли расмлар кўргазмасининг "Болалар расмлари" қисмида намоийш қилинаётган Ўзбекистон мактаб ўқувчиларининг расмлари кўпчиликини қизиқтирмоқда. Ташриф буюрувчилар мазкур расмлар маҳорат билан чизилгани ва сермазун эканини таъкидламоқда. Ўзбекистон вакиллари кўргазмадаги иштироки учун миннатдорлик билдираман", деди у.

«Дунё» АА. Токио

Янги лойиҳа

ХАЛҚАРО КОНСУЛЬТАНТЛАР ИШТИРОКИДА

Иқтисодиёт ва молия вазирилик хабарига кўра, Тошкент — Андижон пуллик автомобиль йўлини давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳалаштириш, қуриш, молиялаштириш, бошқариш ва техник хизмат кўрсатиш режалаштирилмоқда.



Лойиҳа биринчи босқичда Тошкентдан Ангрэнгача бўлган 171 километр йўл ва Қамчиқ довонини қамраб олади. 2025 йил 21 январда лойиҳа концепцияси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган. Жаҳон банки кўмагида "Agur and Partner's", "PWC" ва "CMS Cameron" каби нуфузли халқаро консултантлар жалб этилган бўлиб, улар ҳукуматга хусусий шериклари танлашда маслаҳатчи сифатида ёрдам бермоқда. Тендер жараёни икки босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда иштирокчи компаниялар дастлабки маълумотларни ўқиш учун ҳужжатларни тақдим этади. Иккинчи босқичда эса сараланган компаниялар техник ва молиявий тақлифларини тақдим қилади. Фолиб давлат-хусусий шериклик қончилиги асосида шартнома имзолаш орқали аниқланади.

«Халқ сўзи».



«ХОРАЗМЧАСИГА»

Тошкентдаги "Халқлар дўстлиги" санъат саройида Ўзбекистон давлат филармонияси Хоразм вилояти бўлиминининг "Хоразмчасига" номли концерт дастури бўлиб ўтди.

Санъат

Хоразм санъатининг қадим ва аънавий йўналишларини муассамлаштирган ҳамда уларни мухташам сахнада намоён этган мазкур концерт муҳлисларга катта завқ-шавқ улашди. Бахшичилик, халфачилик, сувороа уфори ҳамда ушқоқ сингари қадимий қўшиқчилик йўлларидаги ажойиб ижролар, "Чанок

ўйини", "Қайроқ ўйини", "Қизлар баҳси", "Дилхирож" каби халқ кўнглидан жой олган рақслар ижро этилди. Дастур сўнггида Ўзбекистон давлат филармонияси бош директори Анвар Тожиев ижодий жамоани муваффақиятли концерт билан салимига табриклаб, унинг яна бардавом бўлишига тилак билдирди. Шоҳсанам ЙЎЛДОШЕВА, ЎЗДЖТУ талабаси.

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАННИ КИЛАДИ

ёхуд эртамиз эгаларини Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда устозлар ибрати

Янги Ўзбекистонда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасидаги юксак мақсадлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Шу боис бу борада аниқ режалаштирилган "йўл хариталари"да белгиланган вазифалардан иборат тизимли ислохотларни ҳаётга татбиқ қилиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, ёшлар тарбиясида ибрат, намуна сифатида асрлар оша қўлланиб келинаётган жуда кўп олим уламоларимизнинг ижод намуналари, маънавий меросига янада кўпроқ мурожаат этишимиз лозим.

Мулоҳаза

Ватанпарварлик мезони

Ватанни севиш, унинг равнақи йўлида хизмат қилиш, ёмон кўздан асраш, қора кучлардан ҳимоялаш, шаънини асраб-авайлаш — буларнинг барчаси олдимизда турган залварли вазифалардан. Шиддат билан ривожланиб бораётган даврда мамлакатимизда инсонларнинг тинч-хотиржам яшаши, уларнинг манфаатларини ҳимоя этиши, юртимизнинг жаҳоний оёрусини кўтариш йўлида қилинаётган барча ислохот жамиятимиз тараққиётида муҳим стратегик вазифалардан бўлиб, бундай улғу ишларни амалга оширишда ватанпарварлик туйғуси, кучли инсонларнинг фидойилиги, азму шижоати муҳим аҳамият касб этади. Назаримизда, ёшларни ватанпар-

варлик руҳида тарбиялашда "оила — таълим маскани — маҳалла" тизимли тарбия шаклига бош мезон сифатида қарашимиз керак. Оила — муқаддас даргоҳ. Зеро, бугунги замонавий бозор иқтисодиётининг ривожланган иқтисодий мактабларидан бири "институционализм" назариясига кўра, институционализм иқтисодиётнинг асосини оила институти ташкил этади. Унга биноан, фарзанд тарбиясининг дастлабки асоси оиладан олинади ва у келгуси тарбияга жуда катта таъсир кўрсатади. Таъкидланадими, энг буюқлар ҳам, юксак салоҳиятли раҳбарлар ҳам ва уларнинг акси "ўғри ҳам, тўғри ҳам" оиладан чиқиб келади. Бу ўринда, албатта, оиладаги муҳит, ота-она намунаси алоҳида аҳамиятга эга. Донишманд халқимизда "Қуш уясида кўрганини қилади", деган ҳикмат бор. Хўш, бугун ёш ота-оналар фарзанд тарбиясига қанчалик тайёр? Улар ўз

ўғил-қизларини ватанпарварлик руҳида тарбиялай олятишимиз? Бу саволлар ҳар биримизни ўйлантириши керак. Инсон ўзи ота-онаси, оиласи, жигарларию қариндош-уруғларининг қадрига етса, эл-юртини ҳам қадрайди. Ёки Ватанини сўйган киши яқинларига, халққа ҳам юксак ҳурмат ва муҳаббат билан қарайди. Қадимги Рим файласуфи Цицероннинг "Бизга ота-оналар, болалар, яқин хеш-ақраболар қимматлидирлар, лекин муҳаббат бобидаги барча тасаввурларимиз биргина "Ватан" отли сўзга муассамлашгандир", дея эътироф этиши ҳам шундан. Демак, оилада фарзандларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада кучайтириш лозим. Бунга, аввало, бўлгуси ота-оналарни тайёрлаш катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда маҳаллаларда, олийгоҳларда "Ёш ота-оналар мактаблари"ни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Уларда ёшлар ҳам билим олиб, фарзанд тарбиясига оид кўникмаларини янада мустаҳкамлайди.

Касбга садоқат ва ёшлар идеали

Касбга садоқат ҳам ватанпарварликнинг бир кўринишидир. Жумладан, ёшларга намунали таълим бериб ҳам Ватан равнақига катта ҳисса қўшиш

мумкин. Афсуски, олий таълим муассасаларида айрим билимли ёш ўқувчилар бошқа сардармадрок касбларга ўтиб кетаётгани ёки хорижга интилаётгани кузатишда. Гарчи, қўшимча ҳақ тўлаш ҳамда ўқув юкларини пайсайтириш каби мотивацион тизимлар жорий этилган бўлса-да, баъзи иқтидорли ўқувчилар ўз тақдирини ушбу шарафли касб билан боғлашга ҳаракат қилмаяпти. Назаримизда, мана шу жойда уларга ватанпарварлик руҳи етишмаётгандек. Бизнингча, уларда касбга ва муқаддас даргоҳ ҳисобланган иш жойига садоқатни ошириш лозим. Маълумки, ҳар қандай университетда бюджетдан келиб чиққан ҳолда ойлик иш ҳақини мунтазам ошириш имкони мавжуд эмас. Шу боис у меҳнат унумдорлигига мутаносиб равишда маълум бир фазага келганда тўхтайд. Демак, иш ҳақини муттасил ошириб бориш ҳам муаммонинг тўлиқ ечими эмас. Фикримизча, муаммонинг ечими — бу ёш ўқувчиларда, оз бўлса-да, касбга, иш жойига меҳрни, садоқатни, фидойиликни, бир оғиз гап билан айтганда, ватанпарварлик туйғусини юксалтиришдир. Касбга фидойилик наимадан бошланади? Бу ўз ишини севиш, жамоани ҳурмат қилиш ва она Ватан олдида ўзининг ижтимоий бурчини ҳис этишдан бошланса керак.

ОТМнинг ватанпарвар тимсолидаги оддий ассистенти келажакда олим (доцент, профессор, академик) бўлиши орзу қилмоғи, кейинчалик эса ўзининг илмий мактабини шакллантириши ва мамлакат тараққиёти учун кўплаб шоғирларни тарбиялаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун эса "Устоз — шоғирд" аънавосига, авваламбор, ўзи риоя қилмоғи лозим бўлади. Олийгоҳларда ўқитувчи ассистентлик зинапоясидан аста кўтарилар экан, унинг олимлик даражасига етишида айнан ўзи меҳнат қилаётган жамоа етук кадр бўлиб шаклланишига ҳисса қўлади. Шундай экан, у билим берган, нафақат илм йўлида, балки ҳаёт йўлида ҳам ўз маслаҳатини аямган устозларини ҳамда она Ватан олдидаги ижтимоий бурчи (таъбир жоиз бўлса, ижтимоий масъулияти, ижтимоий қарзи)ни унутмаслиги керак. Зеро, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда устозлар ҳаммиша ўрناق ва намуна бўлиши лозим. Бундай устозларни янги Ўзбекистоннинг янги жадидчилари деб атамас, айна ҳақиқатни айтган бўламыз.

Шамсиддин АЛЛАЯРОВ, Бобур ТУРСУНОВ, Тошкент давлат иқтисодий университети профессорлари.

Бугун пойтахтимиздаги «Юнусобод» спорт мажмуасида йилнинг йирик илк профессионал бокс оқмоси ўтказилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 12 620 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятга келган кўламалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термил ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашіриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

«Шарқ» нашіриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 20.55 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Р. Бобоқонов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.